

## **ТЕРГОВГА ҚАДАР ТЕКШИРУВ БОСҚИЧИДА ДАЛИЛЛАРНИ РАСМИЙЛАШТИРИШ ЖАРАЁНИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ВА НАЗОРАТ ҚИЛИШ ТАРТИБИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**Абдикадиров Абдурахман Романович**

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси Магистратура тингловчиси

**Аннотация.** Мазкур мақолада терговга қадар текширув босқичида далилларни олиш, уларни қайд қилиш ва расмийлаштириш жараёнини ташкил этиш ва назорат қилишнинг ташкилий-ҳуқуқий жиҳатлари, шунингдек, мазкур йўналишдаги фаолиятни ташкил этишдаги муаммолар ва уларни бартараф этиш юзасидан таклиф берилган.

**Калит сўzlари:** Тергов харакатлари, судга қадар иш юритиш, жиноят процесси иштирокчилари, жиноятларнинг таснифи, ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечириш учун асослар, ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечириш тактикаси.

## **СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ ПОРЯДКА ОРГАНИЗАЦИИ И КОНТРОЛЯ ПРОЦЕССА ДОКАЗАТЕЛЬСТВ НА ДОСЛЕДСТВЕННОЙ СТАДИИ**

**Аннотация:** В данной статье предлагаются организационно-правовые аспекты процесса получения, фиксации и обработки доказательств на доследственном этапе, а также проблемы организации деятельности в этой сфере и их устранения.

**Ключевые слова:** следственные действия, досудебное производство, участники уголовного производства, квалификация преступлений, основания для осмотра места происшествия, тактика осмотра места происшествия.

## **IMPROVING THE PROCEDURE FOR ORGANIZATION AND MONITORING OF EVIDENCE PROCESS AT THE PRE- INVESTIGATION STAGE**

**Annotation:** This article offers organizational and legal aspects of the process of obtaining, recording and processing evidence in the pre-investigation phase, as well as problems in the organization of activities in this area and their elimination.

**Keywords:** Investigative actions, pre-trial proceedings, participants in criminal proceedings, classification of crimes, grounds for inspection of the scene, tactics of inspection of the scene of the incident.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 10 августдаги “Суд-тергов фаолиятида шахснинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш кафолатларини янада кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-6041-сон Фармони<sup>1</sup>да жиноят процессида шахснинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш кафолатларини таъминлаш бўйича механизmlар тўлиқ ишга солинмаганлиги, қонунчиликда жиноят ишларини тергов қилиш бўйича ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг ваколатларини аниқ

<sup>1</sup> Конун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 10.08.2020 й. 06/20/6041/1151-сон.<https://lex.uz>.

белгилаш билан бөглиқ бүшликлар мавжудл борасидаги фикрлар илгари сурилган бўлиб, ушбу камчиликларни бартараф этиш бугунги куннинг долзарб муаммоларидан бири бўлиб қолмоқда.

Шунингдек, жиноят-процессуал қонунчиликнинг мақсадларига эришиш ва унинг олдида турган вазифаларни самарали ҳал этиш учун, биринчи навбатда, жиноят ишида иштирок этаётган шахсларнинг ҳукуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган маҳсус процессуал кафолатлар тизимини яратиш лозим<sup>2</sup>.

Амалдаги Жиноят-процессуал кодексида терговга қадар текширув жараёнида амал қилиниши лозим бўлган бир қатор талаблар мавжуд бўлиб, уларнинг бажарилиши нафақат шахснинг ҳукуқ ва эркинликларини таъминлашга, балки жиноят-процессуал қонун вазифаларининг самарали ижро этилишига ҳам хизмат қиласди.

Маълумки, терговга қадар текширув жараёнида шахсларнинг ҳукуқларини таъминлаш масаласи ўзининг долзарблиги билан алоҳида аҳамият касб этади. В.С.Щадриннинг фикрича, жиноят процессида шахс ҳукуқлари ва қонуний манфаатларининг таъминланиш ҳолати ва самарадорлиги кўп жиҳатдан ушбу ҳукуклар ишни судга қадар юритиш жараёнида қай даражада таъминланадиганига боғлиқ. Жиноят-процессуал муносабатларда иштирок этаётган шахснинг ҳукуқ ва эркинликлари таъминланаслиги ёки чекланиши билан боғлиқ муаммоли ҳолатлар айнан ишни судга қадар юритиш даврида вужудга келади<sup>3</sup>. Шунинг учун ҳам, ишни судга қадар юритиш босқичининг таркибий қисми бўлган терговга қадар текширув жараёнини тартибга солиша асосий эътибор, энг аввало шахс ҳукуқлари ва эркинликларини таъминлашга хизмат қиласидиган аниқ процессуал жараёнларга қаратилмоғи лозим.

Фикримизча, терговга қадар текширув давомида жиноят ишини юритишга масъул бўлган давлат органлари шахс ҳукуқ ва эркинликларининг бузилмаслигини таъминлаш билан бирга, уларга ўз ҳукуқларидан тўлақонли фойдаланишлари учун барча шарт-шароитларни яратиб бериши лозим.

Жиноят-процессуал муносабатларда шахсларнинг ҳукуқларини кафолатловчи нормалар сифатида  
Жиноят-процессуал  
кодексининг

64-моддасини келтириш ўринли бўлади. Чунки ушбу норма ишни юритишга масъул органларга жиноят-процессуал муносабатларда иштирок этаётган шахсларнинг қонунда белгиланган ҳукуқларини тушунтириб бериш ва бу ҳукукларни амалга оширишлари учун барча имкониятларни яратиш мажбуриятини юклайди<sup>4</sup>. Жумладан, Жиноят-процессуал кодексининг 64-моддасида суриштирувчи, терговчи, прокурор ёки судья гумон қилинувчига, айбланувчига, судланувчига, шунингдек жабрланувчига, фуқаровий даъвогарга, фуқаровий жавобгарга ва уларнинг вакилларига берилган ҳукуқларини тушунтириб бериши ва бу ҳукуқларни амалга ошириш имкониятларини таъминлаши шарт эканлиги қайд этилган.

Лекин ушбу нормада терговга қадар текширув жараёнида жиноят процесси иштирокчиларининг ҳукуқ ва мажбуриятлари ёки бевосита ушбу жараённи амалга оширувчи терговга қадар текширув органи мансабдор шахси ҳақида мутлақ тўхталиб ўтилмаган. Бу эса, ўз навбатида, ушбу жараён билан боғлиқ муаммо ва камчиликларга жиддий эътибор қаратиш лозимлигини тақозо этади.

Шунингдек, терговга қадар текширув жараёнида процесс иштирокчиларининг ҳукуқлари кафолатланганлигини биз Жиноят-процессуал кодексининг 333-моддасида ўз ифодасини топганлигини кўришимиз мумкин. Ушбу моддада қайд этилганидек, Жиноят-процессуал кодексининг 83-моддасининг 1 ва 2-бандларида ҳамда 84-моддаси биринчи қисмининг 1, 3–8-бандларида назарда тутилган ҳолатлар аниқланган тақдирда, терговга қадар текширувни амалга оширувчи органнинг мансабдор шахси, суриштирувчи, терговчи ёки прокурор жиноят ишини қўзғатишини рад қилиш тўғрисида қарор чиқаради, жиноят содир этилганлиги тўғрисида хабар берган фуқаро, корхона, муассаса, ташкилот, жамоат бирлашмаси ёки мансабдор шахс бу ҳақда хабардор

<sup>2</sup> Строгович М.С. Избранные труды. Т.2. – М., 1992. – С.277.

<sup>3</sup> Щадрин В.С. Процессуальные гарантии прав личности в уголовном судопроизводстве: понятие и доктринальное толкование // Закон и время. – 2003. – №3. – С.110.

<sup>4</sup> Астанова Л.А. Жиноят ишини юритишга масъул бўлган давлат органлари ва мансабдор шахслар. – Т., 1997. – Б.68.

килинади. Шунингдек, ушбу холатда уларга қарор устидан шикоят қилиш ҳуқуки ва тартиби тушунтирилиб ўтилиши лозим.

Шунингдек, амалдаги Жиноят-процессуал кодекси нормаларида ушбу кодекснинг 84-моддасида назарда тутилган асосларни қўллашдан процесс иштирокчиларига тегишли асоснинг моҳияти ва уни қўллаш натижасида келиб чиқадиган ҳуқуқий оқибатларни тушунтириш талаби белгиланмаган. Ваҳоланки, аксарият шахслар Жиноят-процессуал кодексининг 84-моддасида ўз ифодасини топган асосларнинг ушбу кодекснинг 83-моддасида белгиланган реабилитация (оқлаш) учун асослар билан фарқини чукур англаб етмайдилар. Бу эса ўзини айбизиз хисобламаган айрим шахсларга нисбатан ҳам жиноят ишини 84-моддада назарда тутилган асослар билан рад этилишига ва мазкур жиноятни содир этган ҳақиқий айбор шахсларнинг жавобгарликдан қутулиб қолишига сабаб бўлиши мумкин.

Юқорида санаб ўтилганлардан келиб чиқиб, Жиноят-процессуал кодексининг 84-моддасида назарда тутилган асослар бўйича жиноят ишини қўзғатишини рад этиш ҳақида қарор қабул қилишдан аввал жиноят процесси иштирокчиларига жавобгарликдан озод бўлиш ҳуқуқига эга эканлиги ва уларнинг қўлланилиши натижасида қандай ҳуқуқий оқибатлар вужудга келиши мумкинлиги бўйича тушунтиришлар бериш ва ушбу тушунтиришларни баённомада расмийлаштиришни ишни юритаётган мансабдор шахсга алоҳида мажбурият сифатида белгилашни Жиноят-процессуал кодексида қайд этиш зарур, деб хисоблаймиз.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексида ва бошқа норматив хужжатларда<sup>5</sup> суриштирув, дастлабки тергов ва суд жараёнида иштирок этувчи жиноят процесси иштирокчиларининг тушунчаси ва ҳуқуқий мақомлари аниқ белгилаб ўтилганлигини қузатишимиз мумкин. Лекин бундай фикрни биз ишни судга қадар юритиш босқичининг дастлабкиси бўлган терговга қадар текширув жараёни ҳақида билдириб ўта олмаймиз.

Терговга қадар текширув жараёнида ушбу жараённи бевосита амалга ошириш учун масъул сифатида терговга қадар текширув органининг мансабдор шахси, суриштирувчи, терговчи ва прокурор келтириб ўтилган бўлиб, уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари Жиноят-процессуал кодексининг 34, 36, 38<sup>1</sup> ва 39<sup>1</sup>-моддаларида ифодаланган.

Шунингдек, терговга қадар текширув жараёнида иштирок этувчи жиноят процессида иштирок этувчи бошқа шахслар гуруҳига мансуб бўлган жиноят процесси иштирокчиларининг, яъни гувоҳ (65-66 модда), гувоҳнинг адвокати (66<sup>1</sup>-модда), эксперт (67-68 модда), мутахассис (69-70 модда), таржимон (71-72 модда), холислар (73-74 модда)нинг тушунчалари ҳамда ҳуқуқ ва мажбуриятлари аниқ ифодалаб берилган. Лекин юқорида санаб ўтилган жиноят процесси иштирокчиларининг ҳуқуқ ва мажбуриятларида терговга қадар текширув органининг мансабдор шахси билан амалга оширадиган фаолияти ифода этилмаган.

Шу ўринда эътиборимизни терговга қадар текшируv жараёнида бевосита қатнашувчилар жиноят процессида ўз манфаатларини ҳимоя қилувчи иштирокчиларга қаратсак. Ушбу иштирокчилардан терговга қадар текшируv жараёнида ҳимоячи (49-53 модда), қонуний вакил (60-61 модда) ва вакилларнинг (62-63 модда) иштирок этишини қузатишимиз мумкин. Ушбу жиноят процесси иштирокчиларининг ҳуқуқ ва мажбуриятларига эътибор билан разм солсак, бу холатда ҳам терговга қадар текшируv органлари билан амалга ошириладиган фаолият лозим даражада ифодаланмаганлиги, холат мавҳумлигича қолганлиги намоён бўлади.

Фақатгина Жиноят-процессуал кодексининг 49-моддасининг тўртингчи қисмида ҳимоячининг ишда иштирок этишига жиноят процессининг ҳар қандай босқичида, шахс ушланганда эса унинг харакатланиш эркинлигига бўлган ҳуқуқи амалда чекланган пайтдан бошлаб рухсат этилиши белгиланган.

Терговга қадар текшируv жараёнида асосий эътибор беришимиз лозим бўлган ҳолатлардан бири бу терговга қадар текшируv ўtkазилаётган шахснинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини белгилаб олиш, қолаверса унинг ҳуқуқий мақомини аниқлаш зарурати бўлиб ҳисобланади.

<sup>5</sup> Конун хужжатлари маълумотлари миллий базаси, 15.01.2019 й., 03/19/515/2472-сон.<https://lex.uz>.

Жиноят-процессуал кодексида текширув ўтказилаётган шахснинг хукуқ ва мажбуриятлари кисман келтириб ўтилганлигини кузатишимиз мумкин. Жумладан, Жиноят-процессуал кодексининг 63-бобида ишни судга қадар юритиш босқичида амнистия актини қўллаш билан боғлиқ нормалар ўз аксини топган бўлиб, унда бевосита терговга қадар текшируv ўтказиши жараёнида амнистия актини қўллаш учун асослар мавжуд бўлса суриштирувчи, терговчи терговга қадар ўтказилган текшируv материалларини ёки жиноят ишини қайси шахсга нисбатан амнистия актини қўллаш тўғрисидаги масала қўйилаётган бўлса, ўша шахснинг аризаси ҳамда амнистия актига асосан жиноят ишини қўзғатишини рад қилиш ҳақида судга илтимоснома киритиш ҳақидаги тақдимнома билан прокурорга юборилиши ифода этилган. Яъни терговга қадар текшируv давомида терговга қадар текшируv ўтказилаётган шахсга амнистия актини қўллаш тўғрисида ариза ёзиш хукуқлари берилганлигини кўришимиз мумкин.

Терговга қадар текшируv жараёнида терговга қадар текшируv ўтказилаётган шахснинг хукуқ ва мажбуриятларини ифодалашга қаратилган норматив ҳужжатлар Жиноят-процессуал кодексида акс этган бўлиб, ушбу нормалар фақатгина эълон қилинган амнистия акти содир этилган жиноят ёки шахсга дахлдор бўлган ҳолатларда ва терговга қадар текшируv жараёнида шахс Жиноят-процессуал кодексининг 224-моддаси тартибида ушлаб турилгандагина таъсир доирасига эга.

Бизнинг фикримизча, терговга қадар текшируv жараёнида шахс хукуқ ва эркинликларининг самарали таъминланишига эришиш мақсадида ушбу жараёнда иштирок этаётган, яъни терговга қадар текшируv ўтказилаётган шахснинг жиноят процесси иштирокчиси сифатидаги ҳукуқий мақомини белгилаш ва ушбу шахснинг хукуқ ва мажбуриятларини Жиноят-процессуал кодекси нормасида акс эттириш мақсадга мувофиқ бўлади.

Фикримизча, терговга қадар текшируv жараёнида иштирок этаётган шахсни жиноят содир этган шахс, гумон қилинаётган шахс ёки ижтимоий хавфли қилмиш содир этган шахс деб номлаб бўлмайди. Чунки жиноят содир этган шахс деб номлаш учун аввал унинг жиноят содир этганлигини, ижтимоий хавфли қилмиш содир этган шахс деб номлаш учун эса ушбу жараённи исботлаган бўлишимиз шарт. Гумон қилинаётган шахс тушунчаси эса гумонланувчи тушунчасига жуда яқин бўлиб, келгусида тушунмовчиликларга сабаб бўлиши мумкин. Шу мақсадда биз Жиноят-процессуал кодексининг жиноят процессида ўз манфаатларини ҳимоя қиладиган шахслар, ҳимоячилар ва вакиллар деб номланган 5-бобига жиноят процессининг янги иштирокчиси сифатида «Терговга қадар текшируv ўтказилаётган шахс» деб номланган янги иштирокчининг киритилишини таклиф қиласиз.

**«48<sup>1</sup>-модда. Терговга қадар текшируv ўтказилаётган шахс.**

**Терговга қадар текшируv ўтказилаётган шахс уибу Кодексда белгиланган тартибида унга нисбатан терговга қадар текшируv ҳаракатлари амалга оширилаётган жиноят процессининг иштирокчисидир».**

**«48<sup>2</sup>-модда. Терговга қадар текшируv ўтказилаётган шахсларнинг хукуқ ва мажбурияtlari.**

**Терговга қадар текшируv ўтказилаётган шахс: унга нисбатан ўтказилаётган терговга қадар текшируvни билиши; ушлаб турилганлиги ва турган жойи тўғрисида адвокатга ёки яқин қариндошига телефон орқали қўнгироқ қилиши ёхуд хабар берииш; ушланган пайтдан бошлиб ҳимоячига эга бўлиши ҳамда учрашувларнинг сони ва давом этиши вақти чекланмаган ҳолда у билан холи учрашиш, уибу Кодекснинг 230-моддаси иккинчи қисмида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно; ушланганидан кейин ўн икки соатдан кечиктирмай тушунтириши берини талаб қилиши; ўзига нисбатан ишнинг бошка ҳар қандай ҳолатлари тўғрисида кўрсатувлар берини ёхуд кўрсатувлар беринидан бош тортини ва кўрсатувларидан жиноят ишига доир далиллар сифатида унинг ўзига қарши фойдаланилиши мумкинлиги ҳақида хабардор бўлиши; ўз она тилидан ҳамда таржимон хизматидан фойдаланиши; ўзининг ҳимояланиси ҳукуқини шахсан ўзи амалга ошириши; илтимоснома берини ва рад қилиши; маълумотлар тақдим этиши; терговга қадар текшируv органи мансабдор шахси, суриштируvчи ёки терговчининг рухсати билан тергов ҳаракатларида иштирок этиши; амнистия актини қўллаш ҳақидаги ишлар бўйича суд мажлисларида иштирок этиши; ўзига нисбатан уибу кодекснинг 325-моддаси тартибида жиноят ишини қўзғатишини рад этиши тўғрисида қарор чиқарилишига розилик берини, терговга қадар текшируv органи мансабдор шахси, суриштируvчининг, терговчининг, прокурорнинг ва суднинг ҳаракатлари ҳамда қарорлари устидан шикоятлар берини ҳукуқига эга.**

Терговга қадар текширув ўтказилаётган шахс: терговга қадар текширув органи мансабдор шахси, суриншириувчи, терговчи, прокурор ва суднинг чақириувига биноан ҳозир бўлиши, терговга қадар текширувда иштирок этишидан бош тортмаслиги; ҳақиқатни аниқлашига далилларни йўқ қилиши, сохталашибириш, гувоҳларни кўндиришига уринши ва қонунга хилоф бошқа ҳаракатлар билан тўсқинлик қилмаслиги; терговга қадар текширув органи мансабдор шахси, суриншириувчи, терговчи, прокурорнинг қарорлари ҳамда суднинг ажрими ва уйбу Кодексда назарда тутилган бошқа процессуал қарорлар ижро этилишига тўсқинлик қилмаслиги; ишни юритишда тартибга риоя этиши шарт.

Терговга қадар текширув ўтказилаётган шахс зиммасига кўрсатув берии, шунингдек ўзининг жиноятга алоқадор эмаслигини ёки ишининг бошқа бирор ҳолатларини исботлаш мажбурияти юкланиши мумкин эмас».

Юқорида қайд этилган норманинг жиноят-процессуал қонунчилигига киритилиши терговга қадар текширув даврида шахс ҳуқуқ ва эркинликларини самарали таъминлаш билан бирга терговга қадар текширув фаолиятини амалга оширувчи мансабдор шахслар ва органлар зиммасига тегишли мажбуриятларни юклатилишига хизмат қиласди.

Терговга қадар текширув давомида Жиноят-процессуал кодексида ҳуқуқ ва мажбуриятлари ҳамда процессуал мақоми белгиланмаган жиноят процессининг яна бир иштирокчиси мавжуд бўлиб, ушбу жиноят процесси иштирокчисининг ҳуқуқ ва эркинликларини қонунда ифодалаш нафақат ушбу жараёнда шахс ҳуқуқ ва эркинликларини тўлиқ таъминланишига, балки ушбу жараённи тарафларнинг ўзаро тортишуви асосида ташкил этишга хизмат қиласди.

Жиноят-процессуал кодексининг 2-моддасида жиноят-процессуал қонун ҳужжатларининг вазифалари жиноятларни тез ва тўла очишдан, жиноят содир этган ҳар бир шахсга адолатли жазо берилиши ҳамда айби бўлмаган ҳеч бир шахс жавобгарликка тортилмаслиги ва ҳукм қилинмаслиги учун айборларни фош этишдан ҳамда қонуннинг тўғри татбиқ этилишини таъминлашдан иборат эканлиги, шунингдек, жиноят ишларини юритишнинг жиноят-процессуал қонунларда белгиланган тартиби қонунийликни мустаҳкамлашга, жиноятларнинг олдини олишга, шахс, давлат ва жамият манбаатларини ҳимоя этишга ёрдам қилмоғи лозим эканлиги ифодаланган. Шунингдек, Жиноят-процессуал кодексининг 18-моддасида жиноят ишини юритиш учун масъулиятли барча давлат органлари ва мансабдор шахслар жиноят процессида қатнашаётган фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини муҳофаза қилишлари шарт эканлиги келтирилган.

Шунингдек, бир қатор ҳалқаро ҳужжатларда<sup>6</sup> ҳамда хорижий ва мамлакатимиз олимларининг фикрларида<sup>7</sup> жиноятдан жабр кўрган шахснинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш бўйича фикр ва мулоҳазалар билдирилган.

Амалдаги Жиноят-процессуал кодексининг 54-моддасида жиноят, худди шунингдек ақли норасо шахснинг ижтимоий хавфли қилмиши шахсга мъянавий, жисмоний ёки мулкий зарар етказилган деб хисоблаш учун далиллар бўлган тақдирда, бундай шахс жабрланувчи деб эътироф этилиши,

<sup>6</sup> Основные принципы и руководящие положения, касающиеся права на правовую защиту и возмещение ущерба для жертв грубых нарушений международных норм в области прав человека и серьезных нарушений международного гуманитарного права (резолюция 60/147 Генеральной Ассамблеи). Сборник стандартов и норм ООН в области предупреждения преступности и уголовного правосудия. (Электрон манбага мурожаат қилинган вақт: 22.05.2019).; Рекомендация Совета Европы R (85) 11 о положении потерпевшего в рамках уголовного права и уголовного процесса (Электрон манбага мурожаат қилинган вақт: 22.05.2019).

<sup>7</sup>Саитбаев Т.Р., Зокиров Б.Э. Жабрланувчи ва гувоҳларни ҳимоя қилишнинг ҳуқуқий ва ташкилий муаммолари // Ҳуқуқ – Право – Law. – 2000. – № 2. – Б.51-52.; A.Gruber. Protecting victims Rights in Chiminal trial 7.JD, Harvard, 125, 2018.; Green, Diane L. Helping victims of violent crime : assessment, treatment, and evidence-based practice / Diane L. Green, Albert R. Roberts. p.; cm. – (Springer series on social work). – N.Y.: Springer Publishing Company, LLC. – 2008-256 p.; J.Edwards. The protection and Rights of victims under international Criminal law. Gardner 2018. 91.

жабрланувчи деб эътироф этиш ҳақида суриштирувчи, терговчи, прокурор қарор, суд эса ажрим чиқариши кўрсатиб ўтилган.

*Мухитдинов Ф.М.* томонидан жабрланувчи – бу жиноят-хуқуқий фанларнинг барча соҳаларида, яъни жиноят хуқуқи, жиноят процесси, криминология, криминалистика, суд-тибиёт ва суд-психиатрик соҳаларида умумий тарзда ишлатиладиган, шу билан бирга, шахснинг мақомидан келиб чиқадиган маҳсус ибора эканлиги таъкидланган<sup>8</sup>.

Юқорида келтирилган фикрлардан келиб чиқсан ҳолда шуни қайд этишимиз лозимки, жиноят процессида фуқароларнинг хуқуқ ва эркинликларини тўла-тўқис таъминланишига эришиш учун терговга қадар текширув жараёнида жиноятдан жабрланган шахсларнинг хуқуқий мақомини белгилаш зарур бўлади.

Лекин терговга қадар текширув давомида жиноятдан жабрланган шахсларнинг хуқуқ ва мажбуриятлари жиноят-процессуал кодексида ўз ифодасини топмаган. Улар қонунда белгиланган тартибда жиноят процесси иштирокчилари сифатида тан олинмаган ва процессуал мақомга эга эмас. Бунинг натижасида тегишли хуқуқни муҳофаза қилувчи органига жабрланган шахслар ариза ва хабар билан мурожаат қилишга доир ҳуқуқ ва эркинликларининг етарли даражада муҳофаза қилинмаслиги ёки тегишли ҳал қилув қарорлари уларга ўз вақтида етказилмаслиги сабабли улар томонидан юқори турувчи инстанцияларга норозилик кайфиятидаги мурожаат қилиш ҳолатлари кўплаб учрамоқда. Шунингдек, бу каби камчиликларнинг мавжудлиги фуқароларнинг ҲМҚОларга бўлган ишончсизлик кайфиятини шакллантиришга хизмат қилиши мумкин.

Терговга қадар текшируv жараёнида жиноятдан зарар кўрган шахснинг хуқуқий мақомини белгилаш бўйича ўтказилган анкета сўрови натижаларига кўра, сўровда иштирок этганларнинг 84 фоизи юқорида келтирилган фикрни тасдиқлаб, ҳуқукий мақом белгиланиши шахс ҳуқуқларини янада самарали таъминлашга ва мавжуд камчиликларни камайтиришга хизмат қилишини таъкидлашган.

Шунга ўхшаш фикрни *Б.А.Сайдов* келтириб ўтган бўлиб, унинг фикрига кўра терговга қадар текшируv жараёнида «Ариза билан мурожаат қилган шахс» деб номланган жиноят процессининг янги иштирокчисини киритиш<sup>9</sup> таклиф этилган. Бироқ фикримизча, терговга қадар текшируv жараёнида ариза билан мурожаат қилган шахс деб номланган жиноят процесси иштирокчисининг киритилиши терговга қадар текшируv жараёнида жиноятдан жабрланган шахсларнинг хуқуқ ва эркинликларини тўлиқ таъминланишига хизмат қилмайди. Чунки жиноят ҳақидаги ариза ёки хабар билан нафақат жабрланувчи, балки жиноятдан жабрланмаган бошқа шахслар ҳам мурожаат қилишлари мумкин.

Юқоридаги фикрларга асосланган ҳолда ҳамда Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 35-моддасига таянган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексига «Жиноятдан жабрланган шахснинг хуқуқ ва мажбуриятлари» номли 55<sup>1</sup>-модда киритилишини ва уни қўйидаги таҳрирда баён этилишини таклиф этамиз:

**«55<sup>1</sup>-модда. Жиноятдан жабрланган шахснинг хуқуқ ва мажбуриятлари.**

*Жиноятдан жабрланган шахс ўз аризасини оғзаки, ёзма ёки электрон шаклда баён қилиши;* тушунтиришилар берии жараёнида ўзига ва яқин қариндошларига қарши кўрсатув бермаслик; адвокат хизматидан фойдаланиши; Жиноят-процессуал кодексининг 325-моддасида белгиланган тартибда шикоят-аризасини берии ёки бермаслик; терговга қадар текшируv органи мансабдор шахси, суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суднинг ҳаракатлари ёки ҳаракатсизлиги, шунингдек қарор(ажрим)лари устидан шикоятлар келтириши; жиноят ҳақидаги хабарни кўриб чиқши натижалари бўйича қабул қилинган қарор (ажрим)дан хабардор бўлиши; прокурорнинг жиноят иши қўзгатиши тўғрисидаги қарорни бекор қилиши тўғрисидаги қарори тўғрисида хабардор бўлиши; жиноят иши қўзгатишини рад этиши тўғрисидаги қарорнинг бир нусхасини олиши ва унга қонунда белгиланган тартибда шикоят қилиши ҳуқуқи мавжуд.

<sup>8</sup>*Мухитдинов Ф.М.*“Юриспруденция” мутахассислиги “Жиноят хуқуқи” соҳасининг “Виктимология” фани бўйича Ўкув-услубий қўлланма – Т: ИИВ Академияси, 2019. –Б.34.

<sup>9</sup>*Сайдов Б.А.* Ишни судга қадар юритишда шахснинг конституциявий хуқуқ ва эркинликларини таъминлаш: Монография. –Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2020. – Б.235.

Жиноятдан жабрланган шахс: терговга қадар текширув органи мансабдор шахси, сурештирувчи, терговчи, прокурор ва суднинг чақириувига биноан ҳозир бўлиши; ҳаққоний кўрсатувлар берииш; ҳақиқатни аниқлашига далилларни йўқ қилиш, сохталашириши, гувоҳларни кўндиришига уриниш ва қонунга хилоф бошқа ҳаракатлар билан тўсқинлик қилмаслиги; терговга қадар текширув органи мансабдор шахси, сурештирувчи, терговчи, прокурор талаби бўйича маълумотлар тақдим қилиши; терговга қадар текширув вақтида тартибга риоя этиши шарт.

Жиноятдан жабрланган шахс била туриб ёлғон хабар берганлик ва кўрсатувлар берганлик учун қонунда белгиланган тарзда жавобгар бўлади».

Ушбу норманинг Жиноят-процессуал кодексига киритилиши натижасида терговга қадар текширув даврида шахс ҳуқуқ ва эркинликларини самарали таъминлаш билан бирга ариза ёки хабар билан мурожаат қилган шахсларнинг муайян мажбуриятларини хам таъминлаб беради. Шунингдек, ушбу жараёнда терговга қадар текширувни олиб борувчи мансабдор шахсларнинг масъулияти ошишига сабаб бўлади.

Яна бир эътибор беришимиз лозим бўлган ҳолат бу, аризани текшириш натижалари бўйича жиноят ишини қўзғатишни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилинганда ариза ёки хабар билан мурожаат қилган шахс кейинчалик жиноят процессининг иштирокчиси бўлмайди. Аксинча, жиноят ишини қўзғатиш тўғрисида қарор қабул қилинганида у кейинчалик жиноят процессида гувоҳ, жабрланувчи, гумон қилинувчи ёки айбланувчи сифатида иштирок этиши мумкин. Шу сабабли хам терговга қадар текширув давомида жиноят ҳақида ариза ёки хабар берган шахсларнинг процессуал мақомини белгилаш зарурати юзага келади.

Хулоса қилиб айтганда, терговга қадар текширув жараёни билан боғлиқ бўлган ҳуқуқий асосларининг янада такомиллаштирилиши, мавжуд камчиликларнинг бартараф этилиши, мавжуд нормаларнинг самарали қўлланилиши ҳар бир жиноят иши юзасидан адолатнинг қарор топишига хизмат қилиб, жиноят-процессуал муносабатларда шахс ҳуқуқларини таъминлашда муҳим институтлардан бирига айланиши, шубҳасиз.

## **ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ**

1. Основные принципы и руководящие положения, касающиеся права на правовую защиту и возмещение ущерба для жертв грубых нарушений международных норм в области прав человека и серьезных нарушений международного гуманитарного права (резолюция 60/147 Генеральной Ассамблеи). Сборник стандартов и норм ООН в области предупреждения преступности и уголовного правосудия. (Электрон манбага мурожаат қилинган вақт: 22.05.2019).; Рекомендация Совета Европы R (85) 11 о положении потерпевшего в рамках уголовного права и уголовного процесса (Электрон манбага мурожаат қилинган вақт: 22.05.2019).
2. Саитбаев Т.Р., Зокиров Б.Э. Жабрланувчи ва гувоҳларни химоя қилишнинг ҳуқуқий ва ташкилий муаммолари // Ҳуқуқ – Право – Law. – 2000. – № 2. – Б.51-52.; A.Gruber. Protecting victims Rights in Chiminal trial 7.JD, Harvard, 125, 2018.; Green, Diane L. Helping victims of violent crime : assessment, treatment, and evidence-based practice / Diane L. Green, Albert R. Roberts. p.; cm. – (Springer series on social work). – N.Y.: Springer Publishing Company, LLC. – 2008-256 p.; J.Edwards. The protection and Rights of victims under international Criminal law. Gardner 2018. 91.
3. Мухитдинов Ф.М.“Юриспруденция” мутахассислиги “Жиноят ҳуқуқи” соҳасининг “Виктимология” фани бўйича Ўқув-услубий қўлланмана – Т: ИИВ Академияси, 2019. –Б.34.
4. Астанова Л.А. Жиноят ишини юритишга масъул бўлган давлат органлари ва мансабдор шахслар. – Т., 1997. – Б.68.
5. Сайдов Б.А. Ишни судга қадар юритишда шахснинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш: Монография. –Т.:Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2020. – Б.235.
6. Строгович М.С. Избранные труды. Т.2. – М.,1992. – С.277.
7. Щадрин В.С. Процессуальные гарантии прав личности в уголовном судопроизводстве: понятие и доктринальное толкование // Закон и время. – 2003. –№3. – С.110.
8. Конун хужжатлари маълумотлари миллий базаси, 15.01.2019 й., 03/19/515/2472-сон.<https://lex.uz>.

9. Конун хужжатлари маълумотлари миллий базаси, 10.08.2020 й., 06/20/6041/1151-сон.  
<https://lex.uz>.
10. Конун хужжатлари маълумотлари миллий базаси, 15.01.2019 й., 03/19/515/2472-сон.  
<https://lex.uz>.